1-даража – аввал ўрганилган объектлар, хусусиятлар жараёнларни таниш ёрдамга таянган ҳолда амалларни бажариш.

2-даража – намунавий амалларни мустақил равишда ёддан бажариш.

3-даража – аввалдан ўрганилган намунавий амаллар асосида бажарилиши лозим бўлган янги фаолият алгоритмининг ярата олиши, махсулий фаолият кўрсатиш.

«**Автомобил двигателлар назарияси**» фаннинг ўқув дастури бўйича ўқувчилар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Кўникма: Фанни ўрганиш натижасида ўқувчилар қуйидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак:

двигателларни ишлашини мустақил таҳлил қила олиш;

двигателларни ҳар хил режимларда ишлашини тавсифлай олиш;

автомобилларни тортиш-динамик ҳисобларини бажара олиш;

тормозлаш динамикаси, тургунлиги, бошқарилувчанлиги, йўл тўсиқларидан ўтувчанлиги, юриш раванлиги ва бошқа хусусиятларини ҳисоблай олиш;

автомобилларни эксплуатацион хусусиятларини замонавий воситалар ёрдамида тажрибалар орқали аниқлай олиш.

Билим: Фанни ўрганиш натижасида талабалар қуйидаги билимларга эга бўлишлари керак: ички ёнув двигателларида содир бўладиган жараёнлар;

кувват ва тежамкорлик кўрсаткичлари;

дизел ва карбюраторли двигателларда аралашма Ҳосил қилиш;

двигателларни тавсифлаш;

қривошип ва шатун механизмларининг кинематикаси ва динамикаси;

автомобилнинг эксплуатацион хусусиятларини;

автомобиллар конструкциясини.

Олий таълимда “Ички ёнув двигателлари» фанни мақсади қуйидагича белгиланган:

Фанни ўрганадиган муаммолари:

Мамлакатни автомобиллаштириш автомобиль транспорти зиммасига муҳим вазифалар юклайди. двигателларни ишлашини мустақил таҳлил қила олиш ва

двигателларни ҳар хил режимларда ишлашини тавсифлай олишни,

автомобилларни тортиш-ва тормозлаш динамикаси, тургунлиги, бошқарилувчанлиги, йўл тўсиқларидан ўтувчанлиги, юриш раванлиги ва бошқа хусусиятларини ҳисоблай олишни ўрганади.

Мутахассисни тайёрлашда фаннинг ўрнини асос қилиб олган ҳолда, унинг ўқув мақсадлари шакллантирилади.

“Касбий таълим” таълим йўналишлари бўйича бакалаврни касб-хунар коллежларининг касбий ва мутахассислик фанлари педагоги сафатида тайёрланади. Шу билан бирга улар ўз таълим

йўналишлари бўйича ишлаб чиқаришда, илмий тадқиқот институтларда конструкторлик технологик лойihalаш ташкилотларда турли лавозимларда ишлашлари мумкин.

5. Ўқув мақсадлари мазмунларини белгилаш.

Ўқув мақсади тушунчаси ўрганиш мақсади (ўргатиш мақсади каби) тил шаклига келтирилган

ниятидир. Бошқача қилиб айтганда, ўрганиш мақсади бу ўқишни муваффақиятли тамомлагач, ҳосил бўлган якуний ҳулқ туғрисидаги езма ҳужжатдир. Ўрганиш мақсадларига берилган таърифнинг маъносини қуйидаги ҳолатдан яхши билиб олса бўлади: „Қаерга боришингни билмасдан йўлга чиқсанг, ўзинг кутмаган ердан чиқиб қоласан.“ Назарий дарс ва инструктаж аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнларидир. Бу жараёнлар аввалдан белгиланган муайян ўрганиш мақсадларига эришиш учун олиб борилади. Агар дарс мақсадлари белгиланмай ўтказилса, у ҳолда дарснинг мазмуний ва дидактик тузилиши у ёки бу даражада тасодифга боғлиқ бўлади. Натижада дарс давомида мавзуга тааллуқли бўлмаган мазмунларга тўхталишга тўғри келади. Бу эса ўз навбатида „аравани қуруқ олиб қочишга“ олиб келади. Мақсадлар аниқ ишлаб чиқилгандан кейингина назарий дарс ва инструктажни мазмуний ва дидактик тузишга кириш мумкин. Бундан инструктор ва ўқитувчи учун ўрганиш мақсадларини танлаш ва аниқлаш вазифаси юзага келади. Назарий дарс ва инструктажларни шакллантириш учун олдиндан мос келадиган мақсадларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Дарс ва инструктаж шундан сўнг мазмуний ва методик равишда белгиланган мақсадларга эришиш учун йўналтирилади.

Амалиётда ҳар бир дарс ва инструктаж ўқитиш учун ўрганиш мақсадлари ишлаб чиқилади. Ўрганиш мақсадлари шу орқали қандай стратегиялар ва ресурслар сафарбар этилиши лозимлигини белгилайди. Мазкур стратегия ва ресурслар ҳар қандай ўқув жараёнида бош принциплар сифатида хизмат қилади.

Ўқитиш мақсади таксоманиялари Турли фаолиятлар даражаси Таксоманиялар деб аталувчи ўрганиш мақсадларини классификация қилишни талаб этади, бу классификация ҳулқнинг тартибга келтирилиши ва фаркланишига олиб келади. Ўрганиш мақсадлари турлича аниқ ёки унча аниқ бўлмаган шаклларда ишлаб чиқилишимумкин. Касб-хунар таълими амалиётида қуйидаги уч тур фаркланади:

Ориентир мақсадлар

Қонунан белгиланиши мумкин бўлган бирламчи таълим мазмунларини тасвирлайди. (масалан: касб-хунар таълими тўғрисидаги қарорларда ифодаланган мазмунлар). Улар ўқишнинг йўналишини белгилаб берсаларда, якуний ҳулқни ифодаламайдилар.

Умумий мақсадлар

таълимнинг кичикроқ қисмларига таалуқли бўлиб, ўқувчи қобилияти тўғрисидаги умумий маълумотларни тасвирласада, якуний муносабатни ифодаламайди. Умумий мақсадлар ҳам юқорида кўрсатилган ҳужжатларда берилиши (қарорлар ва рамочный ўқув режаларида) ёки инструктор ва ўқитувчилар томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилиши мумкин

Аниқ мақсадлар

ўлчаниши мумкин бўлган аниқ якуний ҳулқни ифодалайди. Шунинг учун уларга берилган таърифларда мақсадга эришиш индикаторлари, шунингдек, эришиладиган натижа учун мавжуд муҳим шарт-шароитлар (инструментлар) ҳам ўз ифодасини топади.

Аниқ мақсадлар умумий мақсадларни таснифлайди. Аниқ мақсадларнинг мавжудлиги аввало умумий мақсадларга эришиш имкониятини беради.

Аниқ мақсадлар аниқ ифода этилганлиги туфайли таълим жараёнида муҳим ўрин тутаяди, чунки уларга кўшимча таъриф ва талкин беришнинг зарурияти йўқ. Улар инструктор ёки ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилади.

Ўрганиш мақсадлари 3 соҳада тўзилади ва даражаларга бўлинади.

- когнитив ўрганиш соҳаси
- психомоторик ўрганиш соҳаси
- аффектив ўрганиш соҳаси

Когнитив ўрганиш соҳаси

Когнитив соҳаси ақдан қайта ишланган ахборотларни, яъни фактларни, тушунчаларни, принципларни ва усулларни, шунингдек, принципларни анализ ва синтез қилиш, баҳолаш ва қарор чиқариш орқали қўллашни ўз ичига олади. У билимларни едда саклаш, интеллектуал ва қобилиятларни ривожлантириш кўзда тутилган ўрганиш мақсадларини ўзи мужассам этади. Ушбу ўрганиш мақсади (BLOOM фикрига кўра) ўсиб бораётган интеллектуал талаблар қаторига киритилиши мумкин (2 расм)

1. Босқич: фактлар, тушунчалар ва принципларни билиш

2. Босқич: принциплар, қоидаларни тушуниш ва англаш


3. Босқич: қоидалар, тушунчалар ва қонунларни қўллаш

4. Босқич: принцип, усул ва жараёнларни таҳлил қилиш

5. Босқич: Синтезлар ўтказиш - билим турларини каттарок алоқадорлик гуруҳларига киритиш

6. Босқич: мезон ва қадриятларга кўра хулқни ва билимларни баҳолаш Когнитив соҳанинг энг куйи босқичи „билим“ деб аталади. Бу қимнингдир фактлар ва принципларни эслаши демакдир. Бу босқичда шахс ўзлаштирган билимларини эслаши, уларни номлаши ва айтиб бериши мумкин. „Тушуниш“ босқичида хулосалар чиқарилади, мавжуд вазият таҳлил қилиниб, унга алоқадор ҳолатлар аниқланади. Бу босқичда принциплар ва қоидалар ўрганилади. „Қўллаш“ босқичида ўрганилганлар умумлаштирилади ва турли шаклларда қўлланилади. „Таҳлил қилиш“ ва „синтез“ босқичлари шахсга берилган ҳолатни таҳлил қилиш, факт ва принципларни ўрганиш соҳаларидан олган билимлари билан боғлаш ва бу орқали кенг қамровли алоқадорликни аниқлаш имконини беради.

„Баҳолаш“ энг юқори босқич ҳисобланади. У шахсга маълум қадриятларга таалуқли ҳолатларни баҳолаш, шунингдек, қарор қабул қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш учун баҳолаш инструментларини яратиш имконини беради.



2.Расм Б.Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадларини тоифалари

Психометрик соҳаси.

Бу ўрганиш соҳаси амалий иш жараёнлари орқали ҳосил қилинадиган қобилиятлар ва кўникмалар олишга мўлжалланган. Бунда психика орқали бошқариладиган мускул ҳаракатлари (моторик ҳаракатлар) амалга ошади. Амалий фаолият олиб бориш, мисол учун инструмент ишлатиш психомоторик ўрганиш соҳасига тааллуқлидир. Ушбу ўрганиш соҳаси инсон ҳоҳиши томонидан бошқариладиган ҳаракатларни ифодалайди. Улар эса ўз навбатида моторик кўникмаларни талаб этади. У мисол учун оддий, ўрта ва комплекс ҳаракатларга ажратилиши мумкин.

Аффектив ўрганиш соҳаси

У маслак, манфаат, муносабат, қадрият, шунингдек, интизомга нисбатан қараш, меҳнат ҳавфсизлиги, меҳнатга тайёрлик каби эмоционал ҳолатларга тегишлидир. Хулоса қилиб айтганда, ўрганиш мобайнида уччала ўрганиш соҳалари ҳам қўлланилади.

Назарий дарсда кўпрок когнитив соҳа, амалий таълимда эса кўпрок психомоторик соҳа қўлланилади.

Аффектив соҳа кўпинча ўзбўларчиликка солиб кўйилади (бу эса албатта нотўғридир).

Шахснинг умумтараккиётига янгича назар ташланиши билангина бу соҳа яна аҳамият касб этиб бормокда.

Ўрганиш мақсадини таърифланиши Курс дастурларида „Курс мақсадлари“ дарси кўпинча курсни тасвираб беради холос. Бунда „билмок“, „тан олмок“, „тушунмок“ каби муайян сўзлар тилга олинади. Шундай бўлсада, „ўқувчи тушунади“, „англайди“ ёки „билимлар“ олади дейишнинг ўзи етарли эмас. Кимнинг қандай тушунганлигини қай йўсинда текшириш мумкин? Қандай қилиб унинг „билимларини“ ўлчаш мумкин? Ўқувчининг белгиланган мақсадга эришганлигини текшириш мумкин бўлмаса, у ҳолда бундай мақсадлар режалаштириш ҳеч қандай самара бермайди. Ўрганиш мақсади қанчалик аниқ бўлса унга эришилганлик даражасини баҳолаш шунчалик осон бўлади. Ўрганиш мақсадларини аниқ ифодалаш ўрганиш мақсадларининг операциялизация қилиниши демакдир.

MAGER фикрларига кўра ўрганиш мақсадида:

1. Хулк ишонарли ифодаланган фаолият билан тасвирланади
 2. Шарт-шароитлар тасвирланиб берилиш лозим. Ушбу шарт-шароитлар остида қутилган хулк кўрсатиб берилади.
 3. Хулкни баҳолаш масштаби кўрсатилиб берилади.
- Мазкур баҳолаш масштаби „инобатга олиннадиган натижа стандарти“ сифатида белгиланади ва одатда аниқ мақсадлар даражасида қўлланилади.

Қанчалик биз ўз мақсадларимизни аниқлаштира олсак, шунчалик уларнинг эришилишига яқинлашамиз. Амалий машғулотлар соҳасида энг кўп қўлланиладиган индикаторлар қуйидагилардир:

- Шарт-шароитлар
- Сифат
- Микдор
- Вақт
- Бошқатомондан микдоран белгиланмаган вазифани тасвирлаш кейин кечиши табиий. Шу сабабдан ўрганиш мақсадларини ифодалашда иш-ҳаракатни билдирувчи ва иш-ҳаракатни билдирмайдиган феъллар фаркланади.

Қуйидаги ноаниқ иш-ҳаракатни билдирмайдиган феълларни ишлатмаслик керак:

Билмоқ	Ўрганмоқ	Ўйламоқ	Кузатмоқ
Тушунмоқ	Ишончи комил бўлмоқ	Англамоқ	Кўрсатмоқ

3 жадвал Ноаниқ иш-ҳаракатни билдирмайдига феъллар.(мисол)

Уларнинг ўрнига ўрганиш мақсадлари учун қуйидаги иш-ҳаракатни ифодаловчи феълларни ишлатиш лозим: (4 жадвал): Когнитив ўрганиш соҳасида

4 жадвал

Иш –ҳаракатни ифодаловчи феъллар (мисол)

Билиш	Идентификацияламоқ, номламоқ
-------	------------------------------


	Таърифламоқ, рўйхат тузмоқ, умулаштирмоқ, ёзмақ.
Тушуниш	Таққосламоқ, фарқламоқ . тушунтирмоқ, алоқадорлигини аниқлаш, ифодалаш , мисол келтирмоқ.
Кўллаш	Ишлатмоқ, танламоқ топмоқ, тайёрламоқ, ечмоқ, хисобламоқ.
Таҳлил қилиш	Фикрламоқ, таққосламоқ, қарама-қарши қўймоқ, таҳлил қилмоқ.
Синтез	Классификация қилмоқ, комбинацияламоқ, тузмоқ, конструкциялаштирмоқ, яратмоқ, жамламоқ.
Билимларни баҳолаш	Қарор қилмоқ, баҳоламоқ, оқламоқ, танқид қилмоқ.

Аффектив ўрганиш соҳасида Ушбу ўрганиш соҳасидаги специфик ўрганиш мақсадларини иш-ҳаракатини билдирувчи феъллар орқали ифодалаш, шунингдек, ўрганиш мақсадларини кузатиш ва баҳолаш қийин кечади. Шундай бўлсада қуйидаги босқичларга бўлишни амалга ошириш мумкин: 5 жадвал

Аффектив ўрганишнинг босқичлари.

1 . Босқич	Қадриятни англамоқ Қадриятни кабул қилмоқ Қадриятга кейинги ҳаракатларда эътибор бермоқ
2. Босқич	Қадриятга талабларга кўра эътибор бермоқ Қадриятга ўз маслагидан келиб чиқиб эътибор бермоқ Эътибор беришда қониқиш хиссига эришиш
3. Босқич	Қадриятни қабул қилмоқ
4. Босқич	Қадриятни тартибини тузмоқ
5. Босқич	Қадриятни тартибига кўра ҳаракат қилмоқ

Ўрганиш мақсадларини танлаш. Ўрганиш мақсадлари ўқув режаси ёки қуррикулумда бўлганлиги учун уларнинг таърифлаш ҳар доим ҳам талаб этилавермайди. Улар аниқ ўқитиш ниятига биноан муваффақиятни таъминловчи принципга кўра танлашлари лозим .Кўшимча ўқитиш ва ўрганиш материаллари ифодаланган ўрганиш мақсадлари ҳам мавжуд бўлади.Агар қўллаш босқичида тасвирланган бундай ўқитиш ва ўрганиш материаллари қўлланилса унда эслатиб ўтилган ўрганиш мақсадларига эришилди,деб ҳисобласа бўлади.Асосан мавжуд ҳолатга мос келадиган ўрганиш мақсадларини танлаш инструкторнинг вазифасидир ,(адресатлар ,шарт шароитлар ва мақсад соҳа анализини солиштиринг.) Агар улар мавжуд мақсадларга мос келмаса .унда уларни модификация қилиш керак.Доимо тахминий ва умумий мақсадлар принципи эътиборга олинсагина маълум миқдордаги аниқ мақсадларни таърифлаш мумкин.Ҳар доим аниқ мақсадларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлавермайди.Бу ҳол инструкторнинг натижаларини кузатиш, ўлчаш борасидаги ишларига ҳалақит бериб, инструкторнинг сифатли фаолият кўрсатишига таъсир кўрсатади.



3.расм Ўқитиш мазмунини ишлаб –чиқишни инфраструктураси.

Ўқитиш мазмунини ишлаб чиқиш

Ўқитиш мақсадларини ишлаб чиқиш бу уларни кўп сонли манбалардан танлаш ва ҳар қайси ўрганиш мақсадига мослаштириш демакдир. **Инструктор** ва ўқитувчилар ўрганиш мазмунларини ишлаб чиқмасликлари керак. Назарий дарслар махсус соҳалардаги амлий машгулотлар учун ўқув китоблари, курс материаллари картотека каби турли манбаларда мавжуддир. Шубилан бирга инструктор ёки ўқитувчининг ўз амалий тажрибаларини ҳам унутмаслик лозим. Шу ўринда аллақачон амалга оширилган бир босқичга тўхталмоқчимиз. Чунки аввалги модулда махсус соҳа таҳлил қилиниши керак, деб айтдик. Унга кура манба материаллари

текширилди ва мазмун структураси, шунингдек касб ҳунар таҳлил қилиб олинди. Ушбу манбалар қайси бўлимларда мақсадни тематик равишда белгилай олади, деган масалани қайтадан текшириб чиқиш керак. Асосий кўрсатмаларни графикада (3 расмда) тасвирланган мазмун инфраструктураси орқали олиш мумкин. Тўлиқ ва тўғри ишлаб чиқилган мазмун инфраструктураси махсус соҳа учун мазмунлар рамкасини яратиш, махсус соҳа тўғрисида умумий тушунча беради. Энди эса дарс ва инструктажлар орқали бериладиган мазмуний бўлимларни белгилаб олиш зарур. Бу босқич учун мазмун структурасини қисмларга бўлиш катта ёрдам беради. Ушбу илк ишлар ва ўрганиш мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган аниқ мазмунлар яратиш ва танлаш мумкиндир.

6. Замоनावий ўқув мақсадлари таксономиясини моҳияти.

Ўқитиш мақсадлари ўқув - тарбиявий жараёнинг - барча бўлақларини ягона тизимга бирлаштирувчи асосий дидактик тоифа ҳисобланади. Мақсадлар мутахассис тайёрловчи бутун тизимнинг умумий йўналишини белгилайди. Мақсадлар муаммоси педагогиканинг асоси негизи бўлишига қарамадан, унинг талқинида доимо турли фикрлар ва ёндашувлар мавжуд. Баъзи муаллифлар (В. П. Беспалько) таълимнинг мақсади қўйилган натижа деб ҳисоблайдилар. (В. Окун) нинг фикрича "мақсад" тушунчаси "натижа" тушунчасидан кўра анча кенг, чунки у бу натижаларга эришиш йўлини ҳам белгилайди. Шу билан бирга, ушбу муаллиф. мақсадлар ичида шундайлар кам борки, улар таълимнинг мазкур даврида ҳали шаклланиган ва ўлчаб, ифода этила олмайдиган шахсий сифатлари сидиришга қаратилган бўлади деган фикрини олға суради.

Ўқитиш амалиётида, кўпчилик ҳолларда мақсадлар мужмал ва отига ифода этилади, улар дастурий материал мазмуни ёки ўқитувчи фаолиятининг мақсади билан алмаштирилади.

Замоनावий психологик ва педагогик адабиётда "мақсадлар таксономияси" ибораси кўп учрайди, "Таксономия" сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, "taxis"-тартиб билан жойлаштириш "nomos"-қонунни англатади. Шунинг учун "мақсадлар таксономияси"да биз мақсадларни маълум бир белгисига кўра тизимлашни тушунамиз,

Педагогик жараёнда мақсадларни тизимлаш қонуниятларини излаб топиш муаммоси, психолог ва педагогларни эътиборини доимо ўзига қаратиб келган. Дастлабки педагогик таксономиялардан бири "ўқитиш мақсадларни таксономияси америкалик олим Б. Блум ва унинг шогирдлари томонидан ишлаб чиқилган эди. Кейинчалик Дж. Гилфорд таксономияси пайдо бўлди,

Ҳозирги кунда энг кенг тарқалган Блумнинг ўқув мақсадлар таксономияси тизими ҳисобланади, В.Блум бўйича ўқув мақсадларининг асосий тоифалари қуйидагилар: билиш, тушуниш, қўллаш, анализ, синтез. баҳолаш, Ушбу педагогик таксономия ишлаб чиқилган даврдан кунгача фан, техника, технология соҳасида улкан инқилобий тараққиётлар амалга оширилди. XX асрнинг иккинчи ярмида олинган маълумотлар, инсониятнинг тўла тарихи давомида тўпланган билимларнинг 3 / 4 қисмини ташкил этади. Илм-фан ривожининг кўчкисимон ўсишга олиб келмоқда. Ушбу шароитда ҳар бир фан бўйича илмий маълумотларни камида билиш даражасида ўзлаштиришига деярли имконият йўқлигини тан олишимиз даркор. Шунинг

учун замонавий ўқув мақсадлар таксаномиясига “тасаввур қилиш” ўзлаштириш поғонасини киритишимиз тўғридир. Ҳозирги кунда илмий-техника тараққиётнинг жадал суръатларни сақлаш олий таълим тизими битирувчиларнинг энг юксак вазифасидир, Буни таъминлаш учун бутун дунё ушбу соҳада ислохотлар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда олий таълим икки босқичли бўлмоқда: бакалаврият ва магистратура. Масалан Болонья декларациясига биноан 29 Европа давлатлари 2010 йилта ECTS кредит технологияга асосланган икки босқичли олий таълим тизимига ўтадилар.

Олий таълимнинг иккинчи босқичи бўлмиш магистратурада ўқув жараён ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туриши муқаррар. Ушбу хусусиятлар замонавий бозор иқтисодиёти талаблари асосида вужудга келмоқда. Бугунга иқтисодиётнинг пойдевори илмий-техника тараққиёти ҳисобланади. Уни жадал суръатлар билан ривожланишига корхоналар, фирмалар, компаниялар, барча муассасалар орасида мавжуд бўлган рақобат асос бўлиб келмоқда.

Рақобат эса мунтазам равишда илмий-техникавий муаммоларни туғдиради.

Магистрнинг вазифаси ушбу муаммоларни аниқлаш ва ечимини ишлаб чиқишдан иборатдир, Бундай кўникмаларни магистратурада ўқиш даврида эгаллаш лозим. Шунинг учун ҳам магистратурада дарслар кейс-стадий шаклида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Кейс-стадий дарсларида муаммони талаба ўзи аниқлайди, шакллантиради ва ечимини асослаб тавсия қилади. Бир босқичли олий таълим тизимида талаба берилган муаммога ечим ишлаб-чиқади, лекин муаммони аниқлаш кўникмаларига эга бўлмайди.

Кейс-стадий дарсларда тақдим этадиган ҳолатларга, воқияларга талаба ўз муносабатини шакллантиради. Демак бу ерда ўқув мақсадни янги

поғонаси вужудга келмоқда - муносабат. Кўриниб турибдики юқорида баён этилганлар асосида 8 -поғонали ўқитиш мақсадлар таксаномияси вужудга келмоқда (6 жадвал). Жадвал

Ўқув мақсадларнинг замонавий таксаномияси. 6 жадвал

№	Тоифалар	Феъллар
1	Тасаввур	Кўрсатиш, айтиб бериш, номламоқ.
2	Билиш	Қайтариб айтиш, ифодалаш, такрорлаш.
3	Тушуниш	Очиб ташлаш, тушунтирмоқ, изоҳ бериш
4	Қўллаш	Ҳисоблаб чиқариш, фойдаланиш, ҳисоблаш
5	Тахлил	Таснифлаш, тақсимлаш, қисмларга ажратиш
6	Синтез	Умумлаштириш, тузиш, лойихалаш.
7	Баҳолаш	Исботлаш, асослаш қиёлаш.
8	Муносабат	Аниқлаш, шакллантириш, тавсия ишлаб чиқиш.

Умум мақсадларни таксаномияси бўйича барча тан оладиган ягона ёидашув ханузгача мавжуд бўлмасида педагогик адабиётда дидактик мақсадлар икки йўналиш бўйича таснифланиши кузатилади: Даражаси бўйича (умумпедагогик, фанлар бўйича тезкор) ва дидактик. Вазифалар бўйича (билим олиш ва амаллар бўйлаб).

Мақсадларнинг кўп даражалиги қуйидаги тартибда аниқланади (Л.В.Борисова бўйича).

1 даража -....машгулотлар муайян турнинг тезкор (оператив) ўқув мақсадлари.

2 даража - фаннинг ўқув мақсадлари.

3 даража - ўқитишнинг умумпедагогик мақсадлари.

Умумпедагогик мақсадлар (3-даража) мазмуни мутахассиснинг моделини ёки малакавий тавсифномасини акс эттиради ва зарурий назарий ҳамда касбий билимларни, малакаларни ва шахсий сифатларини белгилайди. Фаннинг ўқув мақсадларни (2-даража) ўқув фанининг мазмуни ва хусусиятларини акс эттирди. Модул ўқитишда 2-даражани мақсадларни. П.Юцявечине [70] таърифдан сўнг, мажмуавий дидактик мақсад деб юритила бошланди ва у тўла модулли дастурда амалга оширилади.

Ўқув машғулоти муайян турнинг тезкор (оператив) мақсадлари (1-даража) билимлар, кўникмалар, фикрлаш амаллари, ижтимоий — коммуникатив малакалар тилида ифода этилади. Бу эса ўқув фаолиятини аниқ ташкил этишга имконият беради. Модулли ёндошувида тезкор мақсадлар даражасига интеграллашувчи деб аталувчи ва жорий мақсадлар (П.Ю.Оявечине бўйича) мос келади. Интеграллашувчи мақсадлар муайян модулар орқали амалга оширилади. Ҳар бир интеграллашувчи дидактик мақсад хусусий дидактик мақсадлардан иборат бўлади. Жорий мақсадлар модулни ташкил этган ўқув элементлари орқали амалга оширилади,

Бизнинг фикримизча ўқув мақсадларини куйидаги 5-даражали шкала бўйича аниқлаш мақсадга мувофиқдир:

1 даража - умумпедагогик мақсадлар.

2 даража - фанлар блокининг (макромодулар) ўқув мақсадлари.

3 даража - фаннинг ўқув мақсадлари.

4 даража - ўқув машғулоти муайян турининг ўқув мақсадлари.

5 даража таянч ибора ва тушунчаларнинг ўқув мақсадлари

Фанлир блоки ўқув мақсадлари (2-даража) мутахассис малакавий тавсифномаси йўналишларининг бири бўйича тайёрлашни белгилайди. У ўқув режасининг ўзаро узвий боғланган фанлар блокинни ўзлаштириш орқали амалга оширилади.

Модулли уқитишга утишда куйидаги амалга ошириш кўзда тутилади:

Ишчи ўқув режани чуқур таҳлили асосида, ўзаро чамбарчас алоҳида макромоулар тўплами сифатида қаралади.

Кўпчилик ҳолларда куйидаги уч турдаги макромоулар тузилиши

мумкин:

а) гуманигар фанларни ўз ичига олади;

б) иктисодий фанларни ўз ичига олади;

в) умумтаълим, умутехник, умумкасбий ва махсус фанларни ўз ичига оладиган.

Ҳар қайси макромоуларнинг мутахассисни шакллантиришда, ўз мақсад ва вазифаси бўлади.

Маълум макромоуларни ўрганиш мақсади, унга қирадиган фанларнинг ўрганиш мақсадларидан келиб чиқади.

- Ҳар қайси макромоуларнинг ўрганиш мақсадлари тўплами, давлат таълим стандартларида акс этирилган, мутахассис кадр тайёрлашни бош мақсадини ташкил этади.

- Ҳар қайси макромоуларнинг мақсади аниқ тузилган бўлиб, унинг биринчи фани ўрганила бошлаганида, ўқувчиларга етказилиши лозим. Макромоуларнинг ҳар бир кейинги фани ўрганила бошлаганида, фаннинг ўрганиши мақсадлари талабларга етказилиши зарур,

- Ҳар қайси макромоулар ичида, ўрганиладиган фанларнинг оптимал кетма-кетлиги ва уларни ўрганиш муддатлари ўрнатилади. Яъни ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаб фанлари ўрганилиш муддатларини ва шу орқали макромоудули ўрганилиши муддатларини қисқартиришга эришиш зарур,

Ўқув соатлари ҳажми қатга бўлмаган (ҳафтада 1-2, айрим ҳолларда 3 соатли аудитория машғулоти) фанлар, блок фанлар рўйхатига киритилиши, мақсадга мувофиқ бўлади ва улар ўқув семестрнинг биринчи еки иккинчи ярмида ўтилиши мумкин,

» Макромоулар вертикал яқин ўзаро борлиқларни ҳисобга олиш асосида тузилади, аммо уларни ўрганилиш муддатларини ўрнатишда макромоулар орасидаги горизонтал боғлиқлар ҳисобга олиниши лозим.

* Ўқув материалининг такрорланишини олдини олиш мақсадида, макромодулга кирувчи фанларнинг, ўқув дастурларини ўзаро боғлиқлиги таъминланади.

Таянч ибораларнинг ўқув мақсадлари (5-даража). Таянч ибораларнинг ўқув мақсадлари, мутахассисни тайёрлашда муайян фаннинг ўрнини, инobatга олган ҳолда ўқув материалининг ўзлаштириш даражасини белгилайди. Шу асосда машғулотлар турлари аниқланади. Бу ёндашувдан тезкор (оператив) мақсадлар фанининг модуллари бўйича белгиланади. Таянч ибораларнинг ўқув мақсадлари алоҳида даражага ажратиш фанининг ўқув мақсадларини аниқлаштиришга қаратилган.

Модулли ўқитиш контекстида дидактик мақсадлар пирамидаси куйидаги кўринишга эга бўлади (4-Расм).



4-Расм Дидактик мақсадлар пирамидаси.

Дидактик мақсадлар даражалар бўйича таснифлашидан ташқари,мақсадлар таксаномияси уларни тури бўйича яъни дидактик вазифаларга (функцияларга) кўра таснифлашни ҳам назарда тутди: билим олиш (гносеологик) бўйича, фаолият (функционал) бўйича мақсадлар,

Билим олиш (гносеологик) бўйича мақсадлар ўқув материалининг асосан назарий мазмуни орқали амалга оширилади. Модуллارнинг ахборот материали (гносеологик)белгиларга кўра, яъни таянч иборалар ва ўқув фани усуллари атрофида шакллантирилади. Билиш учун хизмат қиладиган модулли дастурлар ўқувчиларнинг фундаментал билимларини шакллантириш мақсадида тузилади.

Фаолият бўйича мақсадлар ўқув мазмунининг асосан амалий қисми орқали рўёбга чиқарилади ва у ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантириш учун хизмат қилади, Модулнинг мазмуни функционал белгиларга кўра тузилади, яъни у билим олиш ва (ёки) касбий фаолиятнинг функциялари, усуллари, йўллари атрофида шакллантирилади, Фаолият бўйича модулли дастурлар кўпчилик ҳолларда мутахассисни касбий тайёрлаш учун тузилади,

Билим олиш бўйича дастлабки модулли дастурлар Дж. Рассеп томонидан яратилган эди, Ўқувчининг таянч тайёргарлигининг муҳимлигини таъкидлаб, у гиосеологик белгиларга кўра модулла ва модулли дастурлар ишлаб чиқди, Худди шундай тамойилга асосланиб, С.Н.Постлейтвейт ва Ж.Новаклар модулли дастурлар туздилар.

80 - йилларнинг бошида И.Ирокоченко меҳнат нинг халқаро ташкилоти мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш усталарининг малакасини ошириш учун фаолият бўйича модулли дастур ишлаб чиқилган эди. И.Прокоченко эксперт йўли билан устанинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги 34 та вазифасини ажратиб кўрсатди ва шуларга " мувофиқ модулли дастур таркибига 34 та модул киритди, ҳар бир модул муайян вазифага ўргатишга қаратилган эди.

Фаолият бўйича модулли дастурлар ҳозирги пайтда Турин шаҳридаги малака оширишининг Халқаро марказида ўқитувчиларни қайта тайёрлашда Швеция ва Англияда. ўрта касб -хунар таълими тизимида Коломбодаги Давлат техника коллежида, Канададаги Квебек университетининг техник касб-хунар курсларида томонидан техника билим юртлари талабаларида кўникмалар ҳосил қилиш учун фаолият модуллари яритилган В.М Гореев. С.И.Кулинов, Е.М.Дурколар машинасозларни тайёрлаш учун фаолият модуллари ишлаб чиққанлар.

Ушбу муаллифлар томонидан модулли яратишдан мақсад ҳар бир мавзу мазмунини касбий, педагогик ва дидактик вазифаларга кўра таркибий қисмларга бўлиш, барча таркибий қисмлар учун ўқитишнинг мақсадга мувофиқ тури ва шакллари аниқлаш, уларни вақт бўйича мувофиқлаштиришни ва ягона мажмуага йиғиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда т.ф.д. Авлиякулов Н.Х. ва Мусаева Н.Н. томонидан касб хунар коллежларида кичик мутахассисларни касбий тайёрлаш учун фаолият (операцион) турдаги модулли дастурлар ишлаб чиқилди. Мазкур дастурлар бўйича кичик мутахассисларни тайёрлаш доирасида ихтисосликка ўргатиш амалга оширилади. Умумлаштириб таъкидлаш мумкинки ўқув мақсадларининг 5-даражани шкала бўйича шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳар бир таянч иборани ўзлаштириш даражасини белгилайдиган аниқ тоифадаги ўқув мақсадини шакллантиришга имконият пайдо бўлади.

7. Касбхунар коллежидаги «Автомобил двигателлар назарияси» фанини мазмуни қуйидагилардан иборат

Фаннинг мазмуни

I-бўлим. Автомобил двигателининг назарияси

1-Мавзу. Техникавий термодинамика асослари, назарий цикллар ва Ҳақиқий цикллар

Термодинамикавий жараёнлар Ҳақида тушунча. қайтар ва қайтмас жараёнлар, термодинамиканинг биринчи қонуни ифодаси ва аналитик маъноси. Газ Холатининг ўзгариши: Ҳажм ўзгармаганда (изохорик жараён), босим ўзгармаганда (изобарик жараён), Ҳарорат ўзгармаганда (изтермик жараён), муҳит билан иссиқлик алмашилиши бўлганда (адиабатик жараён). Политропик жараён ва уни РУ координата ўқидаги график кўриниши, ўлчамлари, ўзаро иссиқлик миқдори ва жараён ишини аниқлаш.

Термодинамиканинг иккинчи қонуни ва унинг ифодаси. РУ координата ўқида иссиқлик двигателининг цикли. Иссиқликдан ФИКни идеал двигателларда аниқлаш. Карно цикли ва уни РУ координата ўқидаги кўриниши. Карно циклини иссиқликдан ФИК.

Назарий циклларни анализ қилишда қабул қилинган чекинишлар. Хажм ўзгармаганда иссиқлик бериш цикли, аралаш иссиқлик бериш цикли ва уларни РУ координата ўқидаги график кўриниши ва анализи.

Тўрт тактли карбюраторли ва дизель двигателларининг Хақиқий цикли ва уларнинг назарий циклдан фарқи. Кириштиш жараёнининг вазифаси, РУ координата ўқидаги диаграммаси. Жараённинг ўлчамлари, ёнилги аралашмасининг огирлиги. Тўлдириш коэффициенти ва унга таъсир этувчи омиллар.

2-Мавзу. қувват ва тежамкорлик кўрсаткичлари

Хақиқий индикатор диаграммаси. Ўртача индикатор босими, индикатор қуввати, индикатор ФИК. Ўртача эффектив босим, эффектив қувват, механик ва эффектив ФИК. Двигателнинг литраж (Хажм) қуввати. қувватни ошириш йўллари, соатга солиштирма ёқилги сарфи ва уларни ўзаро боғлиқлиги. Ёқилги сарфига таъсир этувчи омиллар.

3-Мавзу. Иссиқлик баланси

Иссиқлик баланси ва унинг аналитик ифодаси. Иссиқлик баланси тенгламасининг таҳлили.

Двигател тирсақли валининг айланиш частотаси ва юкланиш даражаси, сиқиш даражаси, ёндириш бурчаги ва ёқилги аралашмасини таркибини иссиқлик балансига таъсири.

4-Мавзу. Суюқлик динамикаси

Суюқликнинг физикавий хусусияти, идеал ва реал суюқликлар Хақида тушунча. Босим бирлиги. Суюқлик оқими ва унинг кесим юзасида ўртача тезлиги. Суюқлик сарфи. Оқимнинг узлуксизлиги тенгламаси. Рейнольдс ўлчови. Бернулли тенгламаси ва унинг амалда қўлланилиши. Тешиқдан суюқликнинг чиқиши. Трубадаги суюқлик сарфини аниқлаш.

5-Мавзу. Карбюрация

Карбюраторга бўлган талаблар. Оддий карбюраторнинг киритиш йўли бўйича Хаво оқими. Кириштиш йўлида босим ва тезликнинг ўзгариши. Хаво сарфи. Диффузорда сарфланиш коэффициенти. Жиклёрдан ёнилгининг оқими. Жиклёрни сарфлаш коэффициенти. Оддий ва идеал карбюраторнинг тавсифи. Бош дозалаш (меъёрлаш) тизимининг турлари ва ёрдамчи қурилмаларнинг вазифаси, уларга қўйиладиган талаблар, ишлаши ва тавсифи.

6-Мавзу. Дизелларда аралашма Хосил қилиш

Ёндириш камерасининг турлари ва уларда аралашма Хосил қилиш услублари, буларнинг бир-бирига нисбатан тавсифлари. Хажмий, Хажмий пардали аралашма Хосил қилиш усуллари. Ёқилгини пуркаб узатиш. Пуркаб узатиш сифатининг таъсири.

7-Мавзу. Двигателларни тавсифлари

Умумий маълумот, тавсиф турлари: салт ишлаш, тезлик, юкланиш ва созлаш. Тавсифларни олиш шароити, кўриниши, таҳлил этилиши ва аниқланиши.

8-Мавзу. Кривошип-шатун механизмининг кинематикаси

Механизм турлари ва схемаси. Марказли кривошип шатун механизмида тирсақли валнинг бурилиш бурчагига нисбатан двигател поршенининг йўли, тезлиги ва тезланиши.

9-Мавзу. Кривошип-шатун механизмининг динамикаси

Бир цилиндрли двигател механизмига таъсир этувчи кучлар ва моментлар. Куч ва моментлар йигиндисини аналитик ва график усулда аниқлаш. Двигател тирсақли валининг жойлашиш схемаси ва цилиндрлар сони бўйича ишлаш тартиби.

10-Мавзу. Двигателларни мувозанатлаш

Двигателларда мувозанатлашмаган кучлар ва моментлар. Мувозанатлаш шартлари. Бир цилиндрли, қаторли 4 цилиндрли ва V симон жойлашган 6 цилиндрли Хамда 8 цилиндрли двигателларни мувозанатлаш схемаси. Тирсақли валларни динамик ва статик мувозанатлаш. Тирсақли вални бураш тебранишини бартараф қилиш йўллари.

II-бўлим. Автомобиллар назарияси ва конструкцияси

А. Автомобиллар назарияси

11-Мавзу. Автомобилнинг эксплуатацион хусусиятлари

Автомобилнинг тузилишига қўйиладиган талаблар. Автомобилнинг тортиш қобилияти, тортиш динамикаси, ёқилги тежамкорлиги. бошқарувчанлиги, тургунлиги, йўл тўсиқларидан ўта олиш қобилияти, юриш равонлиги, мустаХкамлиги, узоқ муддат ишлаш олиш қобилияти ва таъмирлаш. Ишларига мосланганлиги Хақида тушунча бериш ва уларни қисқача мазмуни.

12-Мавзу. Харакатдаги автомобилга таъсир этувчи куч ва моментлар

Двигателнинг тезлик тавсифи. Етакловчи гилдиракка таъсир этувчи кучлар ва моментлар. Етакловчи гилдиракдаги тортиш кучдаги гилдиракнинг радиуслари, трансмиссиянинг ФИК. Автомобилнинг тортиш тавсифи. Автомобилнинг Харакат тенгламаси. /илдиракнинг шатаксираш шарти.

13-Мавзу. Автомобилини тортиш динамикаси

Кучлар баланси ва унинг графиги. қувват баланси ва унинг графиги. Автомобилнинг динамик омили. Динамик тавсифи ва юкланиш номограммаси. Автомобилнинг динамик паспорти. Автопоезднинг тортиш имкониятини аниқлаш.

14-Мавзу. Автомобилнинг тортиш кучини синаш

Синаш мақсади. Синаш турлари ва услублари. Синаш жиХозлари. Автомобилнинг тортиш кучини, тезлигини, тезланишини, секин-лашишини, гилдирак думалашининг қаршилик ва илашиш коэффицентини аниқлаш. Синаш вақтидаги техника хавфсизлиги ва Харакат хавфсизлиги.

15-Мавзу. Автомобилнинг тормоз динамикаси

Тормозлашдаги хавфсизлик ва тормоз моменти. Автомобилнинг тормоз кучи, тормоз динамикасини баХоловчи кўрсаткичлар. секинлашишдаги тормоз йўли, уларнинг боглиқлик графиклари. Тормоз йўлга таъсир этувчи омиллар. Тормозловчи кучларни ўқлар бўйича тақсимланиши. Тормоз усуллари. Автотехник экспертиза (текшириш) Хақида тушунча.

16-Мавзу. Автомобилнинг ёнилги тежамкорлиги

Ёнилги тежашнинг халқ хўжалигидаги ва атроф муХитни муХофаза қилишдаги аХамияти. Ёнилги тежамкорлиги кўрсаткичлари, автомобил ва автопоезднинг ёнилги тежамкорлиги тавсифи. Автомобил конструкцияси ва эксплуатацион омилларнинг ёнилги сарфига таъсири.

17-Мавзу. Автомобилнинг тургунлиги

Автомобилнинг бўйлама ва кўндаланг тургунлиги Хақида тушунча. Автомобилнинг кўндаланг тургунлиги вақтида таъсир этувчи кучлар. Автомобилнинг сирпаниш ва ағдарилиш шартлари. Автомобил конструкцион ва эксплуатацион омилларининг унинг тургунлигига таъсири.

Автомобилнинг бўйлама тургунлиги, қияликда Харакатланаётган автомобилга таъсир этувчи кучлар. Автомобилнинг шатаксираш ва огиш шартлари.

18-Мавзу. Автомобилнинг бошқарилувчанлиги

Автомобилнинг бошқарилувчанлиги ва ўлчов бирликлари Хақида тушунча. Автомобилнинг ёнга сурилиши ва бурулувчанлиги, бошқарилувчанлиги. Бошқарилувчи гилдиракларнинг бурилиш бурчаклари ўртасидаги богланиш. Бошқарилувчи гилдиракларнинг стабиллиги Хақида тушунча.

19-Мавзу. Автомобилнинг йўл тўсиқларидан ўтувчанлиги

Йўл тўсиқларидан ўта олиш ва унинг геометрик ўлчамлари Хақида тушунча. Автомобилнинг ўта олиш қобилиятига конструкциянинг таъсири.

Ўта олиш қобилиятини ошириш усуллари.

20-Мавзу. Автомобилнинг юриш равонлиги

Тебранишларнинг одам организмга таъсири ва автомобилларни юриш равонлигини таъминлаш учун қўйиладиган асосий талаблар. Автомобилнинг юриш равонлиги ва унинг ўлчов бирликлари Хақида тушунча. Осмалар қаттиқлигини юриш равонлигига таъсири.

В. Автомобиллар конструкцияси

21-Мавзу. Автомобиль трансмиссиясининг турлари, илашиш механизми ва узатмалар қутисининг турлари

Автомобил трансмиссиясининг турлари: босқичли механик трансмиссия, босқичсиз трансмиссия, гидромеханик трансмиссия, электромеханик трансмиссия. Илашиш механизмининг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Бир ва кўп етакланувчи дискли илашиш механизми, электромагнитли илашиш механизми. Узатмалар қутисининг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Тақсимлаш қутисининг турлари, суёқлик гидромеханик узатмалар қутиси.

22-Мавзу. Кардан узатмасининг турлари ва кўприклар тури

Кардан узатмасининг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Автомобил кўприklarининг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Асосий узатма турлари. Дифференциалнинг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар.

23-Мавзу. Автомобил осмалари. /илдирак ва шиналар турлари

Автомобил осмаларининг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. /илдиракларнинг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Шиналарнинг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар.

24-Мавзу. Автомобил рамаси, кузови, кабинаси, руль бошқармаси ва тормоз бошқармаси

Раманинг турлари. Енгил, юк автомобиллари ва автобуслар кузови ва кабинасининг турлари. Тормоз бошқармасининг вазифаси, тормоз тизими ва механизмларининг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар.

3. НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

№	Бўлим ва мавзулар номи	Аудиториядаги ўқув юклармаси, соатларда						Мустақил иш
		Жами	Назарий машғулот	Амалий машғулот	Лаборатория ишлари	Семинарлар	Курс иши	
	Кириш	1	1					
I бўлим. Автомобил двигателининг назарияси								
	Техникавий термодинамика асослари, назарий цикллар ва Ҳақиқий цикллар	2	2					
	қувват ва тежамкорлик кўрсаткичлари	1	1					
	Иссиқлик баланси	1	1					
	Суёқлик динамикаси	1	1					
	Карбюрация	1	1					
	Дизелларда аралашма Ҳосил қилиш	1	1					
	Двигателларни тавсифлари	2	2					
	Кривошип-шатун механизмининг кинематикаси	2	2					
	Кривошип-шатун механизмининг динамикаси	1	1					
	Двигателларни мувозанатлаш	1	1					
II бўлим. Автомобиллар назарияси ва конструкцияси								
A. Автомобиллар назарияси								
	Автомобилнинг эксплуатацион хусусият-лари	2	2					
	Харакатдаги автомобилга таъсир этувчи куч ва моментлар	2	2					
	Автомобилни тортиш динамикаси	4	4					
	Автомобилнинг тортиш кучини синаш	2	2					
	Автомобилнинг тормоз динамикаси	4	4					
	Автомобилнинг ёнилги тежамкорлиги	2	2					
	Автомобилнинг тургунлиги	1	1					

	Автомобилнинг бошқарилувчанлиги	1	1					
	Автомобилнинг йўл тўсиқларидан ўтувчанлиги	1	1					
	Автомобилнинг юриш раволиги	1	1					
В. Автомобиллар конструкцияси								
	Автомобил трансмиссиясининг турлари, илашиш механизми ва узатмалар қутисининг турлари	1	1					
	Кардан узатмасининг турлари ва кўприклар тури	2	2					
	Автомобил осмалари. ғилдирак ва шиналар турлари	1	1					
	Руль бошқармаси. Тормоз бошқармаси	2	2					
	Жами	40	40					17

4. Ўқитиш методлари

Назарий, амалий, оғзаки, кўргазмали ва бошқалар

Эслатма: Ўқитувчи мавзунинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда методларни ўзи танлайди ҳамда янги метод қўллаш ҳуқуқига эга.

5. Баҳолаш тизими

Ўқитувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази томонидан тасдиқланган «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларининг назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилади.

6. Ўқитиш воситалари

1. Жиҳозлар, инвентарлар.
2. Дидактик материаллар ва техник воситалар:
 - телевизор;
 - экран;
 - шахсий компьютер;
 - компьютер учун СТХ дисплей системаси ва мультимедиа, сканер;
 - мавзу бўйича дискетлар;
 - кодоскоп;
 - слайдлар;
 - карточка-топшириқлар ва дастурлаштирилган топшириқлар.
3. Ўқув кўргазмали қуроллар, ўқув дастурлари бўйича плакатлар.

7. Адабиётлар

- В.К.Вахламов. Автомобилў. Эксплуатационнўе свойства. -М.: Академия, 2005.
- С.М.Қодиров. Ички ёнув двигателлари.
- С.Н.Богданов. Автомобильнўе двигатели.
- С.М.Қодиров, М.О.Қодирхонов. Двигатель ва автомобиллар назарияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1981.
- В.А.Иларионов, М.М.Морин, Н.М.Сергеев. Теория и конструкция автомобиля. -М.: Машиностроение, 1979.
- Х.М.Маматов, Ю.Т.Турдиев, Ш.Ш.Шомахмудов, М.О.Қодирхонов. Автомобиллар. -Т.: Ўқитувчи. 1982.

8.Олий таълим юртидаги “Ички ёнув двигателлари”фанининг таркиби.

1.Фаннинг таркиби

Мавзуларнинг номи, уларнинг мазмуни ва уларга ажратилган соатлар миқдори.

№	Боблар буйича маърузалар номи ва мазмуни.	Мустакил урганиши учун тавсия этилган мавзулар.	Таянч иборалар	Ажратилган соатлар
1.	<u>Кириш. Фаннинг мазмуни.</u> Ички ёнув двигателлари тавсифи. Автотранспорт двигателларнинг ишлаш шароити белгиловчи курсаткичлар. Урта Осиё регионда ички ёнув двигателларнинг табиий иклим шароитида ишлаш хусусияти (специфика). Арид иклим ментакасининг узига хос хусусиятлари.	Ички ёнув двигателларининг ривожланишини тарихи. Курсни баён қилишдаги қабул қилинган терминлар.	Буг машинаси, иссиқлик машинаси, 4-тактли двигатель, 2-тактли двигатель, дизель двигателнинг иссиқлик хисоби, автомобил двигателлари назарияси, ИЁД нинг конструкцияси, ИЁД нинг динамикаси, карбюраторли двигатель, дизелли двигатель, назарий цикл, ҳақиқий цикл.	2
2.	Ички ёнув двигателлари назарий цикллари. Ички ёнув двигателларнинг цикллари узгармас ҳажмда $V = \text{const}$ иссиқлик бериладиган цикл. Аралаш усулда иссиқлик бериладиган цикл. $T = \text{const}$ ва $P = \text{const}$. Циклларнинг таҳлили.	Термодинамик жараёнлар (процесслар). Асосий туширишлар ИЁД назарий циклларини асосий пунктларининг курсаткичлари. (P.V.T).	Термодинамик цикл двигатель цикли, адиабатик жараёнлар, изохорик процесс изобарик процесс, термик Ф.И.К,	2
3	Ички ёнув двигателлари ҳақиқий цикллари Ҳақиқий цикллар ва уларнинг термодинамик цикллардан фарқи карбюраторли ва дизель двигателларнинг ҳақиқий циклларининг узига хос хусусиятлари.	Икки ва тўрт тактли двигателларда ҳақиқий циклларининг индикатор диаграммалари. Тўрт ва икки тактли двигателларнинг газ тақсимлаш фазалари.	Ҳаво ва енгилги аралашмаси, ёниш маҳсулотлари, деворий газ билан иссиқлик алмашиланиши, икки тактли цикл қолдиқ газ, сиккш жараёни, ёниш жараёни, кенгайиш жараёни, чи-қариш жараёни, ҳайдаш жараёни	2

4	<p>Ёнилги ва ёнилгининг химиявий реакциялари. Хаво билан ёнилги аралашмаси, ёнилгининг химиявий реакциялари. Ёнилгининг ёниши учун зарур булган хавонинг назарий микдори. Хавонинг ортиклик коэффиценти.</p>	<p>Ёнилгилар, уларнинг коссалари хакида кискача маълумотлар. Ёнувчи аралашманинг таркиби, $\alpha < 1$ ва $\alpha > 1$ булгандаги ёнилгининг ёкиши. Янги заряд ва ёниш махсулотларининг иссиклик сизими. Ёнилгининг ёниш иссиқлиги.</p>	<p>Ёнилги, октан сони, алангаланиши, цетан сони, суюк ёнилги, газ ёнилгилари, газ конденсатори, хавонинг назарий зарур микдори, хавонинг ортиклик коэффиценти, карбюраторли И.Ё.Д., газда ишлайдиган И.Ё.Д., дизел И.Ё.Д, янги заряднинг солиштирма микдори, ёниш иссиқлиги.</p>	2
5	<p><u>Двигателни тулдириш жараёни.</u> Автомобил двигателлари учун тулдириш жараёнининг ахамияти, тулдириш жараёнининг самарали утишга таъсир килувчи омиллар: киритиш системасининг гидравлик каршилиги, заряднинг кизиш, колдик газлар. Колдик газлар коэффиценти. <u>Киритиш охиридаги температура ва босимни аниқлаш.</u> Тулдириш коэффиценти. Тулдириш коэффицентига таъсир этувчи омиллар: киритиш охиридаги босим, колдик газлар коэффиценти, колдик газларни босими ва температураси, двигателларнинг ишлаш режими, газ таксимлаш фазалари.</p>	<p>Икки тактли двигателларни тулдириш жараёни (умумий тушунча).</p>	<p>Киритиш клапани, цилиндр, колдик газлар, янги заряд, иссиклик баланси, политропа курсаткичи, янги заряднинг индикатор диаграммаси, тулдириш коэффиценти, тезлик режими, заряднинг кизиши. Киритиш сунгидаги температура, киритиш системасида заряд харақати, киритиш охиридаги босим, тулдириш коэффицентига таъсир килувчи омиллар сиқиш даражасининг таъсири. газ таксимлаш фазаларининг таъсири, трубопровод одлардаги тебраниш ходисаларининг таъсири.</p>	4
6	<p><u>Двигателларда аралашма хосил қилиш.</u> Карбюраторли двигателларда аралашма хосил қилиш жараёни. Аралашма хосил қилиш жараёнига таъсир килувчи омиллар.</p>		<p>Карбюрация, карбюратор, жиклёр, тузатгич тулик юкланиш, максимал кувват, диффузор, бугланувчанлик, зичлик, бугланиш иссиқликлиги, салт ишлаш, экономайзер, тезлатиш насоси.</p>	4

7	<p><u>Дизел аралашма хосил килиш.</u> Хаво заряди харакатини ташкил этиш. Дизелларнинг ажратилган ва ажратилмаган ёниш камерасида аралашма хосил килиш. Дизелларда аралашма хосил килишга таъсир этувчи омиллар.</p>	<p>Ёнилги куйиш ва пуркаш. Ёниш камерасида ёнилги окимининг харакати.</p>	<p>Аралашма хосил килиш, хажмий ёниш камераси, хажмий пардали ёниш камераси, пардали ёниш камераси, ажратилган ёниш камераси, ажратилмаган ёниш камераси, пуркаши, ёнилги факели, форсунка, сопло тешиги, ёнилги сарфи хавонинг ортиклик коэффиценти.</p>	2
8	<p><u>Сикиш жараёни.</u> Двигателларда сикиш жараёни. Сикиш охиридаги температура ва босим, уларнинг уртача катталиклари (карбюраторли ва дизел двигателларда). Ажратилган ва ажратилмаган ёниш камерали дизелларда сикиш жараёни. Сикиш жараёнида заряд харакатини ташкил этиш.</p>	<p>Сикиш жараёнида цилиндр деворлари билан заряд уртасидаги иссиқлик алмашишинуви. Сикиш политропасининг курсаткичи, сикиш жараёнида унинг узгариши ва уртача киймати.</p>	<p>Сикиш жараёнида аралашманинг температураси, сикиш жараёнида аралашманинг босими, детонация, чикариш клапани, двигателнинг сикиш даражаси, дизелларда сикиш жараёни, дизелларда сикиш даражаси, дизелларда сикиш политропаси, сикиш жараёнида заряд харакати.</p>	4
9	<p><u>Ёниш жараёни.</u> Двигателда ёниш жараёни. Ёниш жараёнининг физик-кимий мохияти. Аралашманинг алангаланиш чегаралари, уларни физик мохияти. Карбюраторли двигателларда ёнувчи аралашманинг ёниши, ёниш фазалари. Ёниш камерасида аланга фронтининг тезлиги, карбюраторли двигателларда ёниш жараёнига тасир килувчи омиллар. <u>Дизелларда ёниш жараёни, ёниш фазалари.</u> Алангаланишнинг кечигли даври ва унинг иш режими, ёниши нави, сикиш жараёни охиридаги параметрлар билан боғлиқлиги</p>	<p>Детонация ёниш, унинг сабаблари, детонациясига хар хил омилларнинг таъсири. Детонациянинг ташкил белгилари. Детонацияни тузатиш усуллари. Дизель ишининг каттиклиги ва ёнишнинг энг юкори босими.</p>	<p>Ёниш, аланга таркалиши, ёниш процесси, аралашманинг алангаланиш чегараси, ёниш фазалари, иш аралашмаси таркибининг таъсири, айланишлар сонининг таъсири, сикиш даражасининг таъсири, детонацияли ёниш, иш аралашмаси, курум хосил булиш, уз – узидан алангаланиш. Дизелларда ёниш процесси, дизел ёнилгиси, алангаланишнинг кечикиши, хавонинг ортиклик коэффиценти, алангаланиш температураси, ёнилги микдори, ёниш камерасидаги босим.</p>	2
10	<p><u>Ёниш тенгламаси.</u> Ёниш охиридаги температурани,</p>	<p>Ёниш жараёнининг етишига хавонинг</p>	<p>Термодинамик жараён, изохорик</p>	2

	босимни ортиш даражасини, дастлабки кенгайиши даражасини аниклаш ва уларнинг амалий катталиклари.	уюрмали таъсири.	жараёни ёниш-боши температураси, ёниш охири температураси, максимал босим, босимни ортиш даражаси, ИЁД да хакикий босим, дизелларда олдиндан кенгайиши даражаси.	
11	<u>Кенгайиши ва чикариш жараёнлари.</u> Двигателларда кенгайиши жараёни. Хакикий циклда термодинамик циклга нисбатдан кенгайиш жараёнининг хусусиятлари. Кенгайиши охиридаги температура ва босим.	Кенгайиши политропаси курсаткичи ва унинг узгариши.	Хакикий циклда кенгайиши процесси дизел двигателларида кенгайиши охиридаги температура, карбюраторли кенгайиши охиридаги темперара, узгарувчан политропа курсаткичи, дизел двигателларида кенгайишиохиридаги босим, карбюраторли двигателларда кенгайиши охиридаги босим.	2
ЖАМИ				28
ҮИ – СЕМЕСТР				
12	<u>Двигателларда чикариш жараёни.</u> Чикариш охиридаги температура ва босим, шовкинни камайтириш (бостириши) усуллари.	Чикариш жараёнининг хусусиятлари, чикариш системасининг гидравлик каршилиги ва унинг двигателнинг кувватига таъсири.	Чикариш клапанлари, ишлатилган газлар, сундиргич, газларининг чиқиши тезлиги, чикариш охиридаги температура, чикариш охиридаги босим.	2
13	<u>Автомобил двигателлари иш жараёнининг индикатор ва самарадорлик курсаткичлари.</u> Индикатор курсаткичлари. Хакикий циклнинг уртача индикаторли босими – P_t , индикаторли ФИК ξ_t , ёнилгининг солиштирма индикаторли сарфи - q_t , индикаторли кувват - N_t , эффектив ФИК - ξ_t , ёнилгининг эффектив солиштирма сарфи - q_e , уртача эффектив босим – P_e , эффектив кувват – N_e .	Хар хил омилларнинг уртача индикатор босими катталигига ва индикаторли ФИК га таъсири.	Индикатор диаграммаси, тирсакли валнинг бирими бурчаги, уртача индикатор босим, индикаторни ФИК, ёнилгининг солиштирма индикаторли ёнилги сарфи, индикаторли кувват, самарадорлик кувват, самарадорлик босим, механик ФИК, ёнилги сарфи, солиштирма иссиқлик сарфи, солиштирма масса.	4
14	<u>Двигателнинг механик йукотишлари.</u> Ишқаланишига, газ алмашувига ва	Двигателнинг юкланиши ва тезликли	Механик исроф, ёрдамчи механизм-	2

	<p>ёрдамчи механизмларнинг юритмаларига двигателнинг механик йукотишлари. Механик йукотишларнинг уртача босим – P_m, Механикавий ФИК - ξ_1, механик йукотишлар куввати N_m ва хоказо.</p>	<p>режимларининг механикавий йукотишлар параметрларига таъсири.</p>	<p>лар, газ алмашинуви, ички исроф поршен тезлиги, механик йукотишларнинг уртача босими, клапан, механик ФИК, механик йукотишлар куввати, ишкаланувчи юзалар</p>	
15	<p><u>Двигателнинг параметрлари ва асосий улчамларини хисоблаш.</u> Двигателнинг асосий параметрлари: сикиш даражаси – E, уртача эффектив босим – P_e, эффектив кувват – N_e, тактлилигич, тирсакли валнинг айланиши тезлиги – n, поршеннинг уртача тезлиги – метрликкувати, солиштирма кувват, солиштирма массаси, солиштирма ёнилги сарфи. Двигателларнинг асосий улчамларини хисоблаш (аниклаш) <u>Двигателнинг иссиқлик баланси.</u> Ичсиқлик баланси тенгламаси, иссиқликнинг микдори, ишлатилган газлар олиб кетган иссиқлик микдори.</p>	<p>Двигателнинг конструктив параметрлари (курсаткичлари): цилиндрларнинг сони ва жойлашиши тартиби, поршен юришининг (юриш йулининг) цилиндр диаметрига нисбати (ζ / D), тирсакли узунлиги радиусининг шатун узунлигига нисбати ζ / D</p>	<p>Сикиш даражаси, уртача эффектив босим, эффектив кувват, тактлилигич, тирсакли валнинг айланиш тезлиги, поршеннинг уртача тезлиги, метрлик кувват, солиштирма кувват, солиштирма масса, солиштирма ёнилги сарфи. Двигател надуви, тирсакли валнинг айланишлар сони, иссиқлик баланси, иссиқликнинг умумий микдори, ёнилгининг соатли сарфи.</p>	2
16	<p><u>Автомобил двигателларнинг тавсифномалари.</u> Тезлик ва йуналиши салт юриш тавсифлари. Ростлаш тавсифлари хақида умумий тушунчалар.</p>		<p>Двигателни узгарувчан режимда ишлаши, йул шароитининг узгариш, ташки тезлик харақтеристикаси, хаво каршилиги, ишкаланнишга сарфланган кувват, хаво каршилигини ёнгин учун сарфланган кувват.</p>	2
17	<p><u>Двигателни текшириш.</u> Умумий тушунчалар. Текшириш турлари, максади ва мазмуни. Текшириш стендлари; Двигателни текширишда кулланиладиган улчов асбоблари.</p>	<p>Тормозлаш курилмасининг харақтеристикалари. Двигателларни индикаторлаш курилмалари.</p>	<p>Тормознинг айлана кучи, буровчи момент, гидравлик тормоз, тормозлар харақтеристикалари, двигателнинг харақтеристикалари, тормоз куввати, айланишлар сони, манометрик термометр, пневмо-электрик индикатор,</p>	2
18	<p><u>Двигателни конструкциялаш ва</u></p>		<p>Кривошип, шатун,</p>	2

	<u>динамикаси.</u> Умумий тушунчалар. Двигателларнинг кривошип – шатун механизми турлари. КШМ га таъсир этувчи асосий кучлар ва моментлар.		поршень, айланувчи узак, марказий КШМ, дезаксиал КШМ, тиркама шатунли КШМ, айланувчи массаларнинг инерция кучи, газларнинг босим кучи, КШМ да таъсир килувчи кучлар,	
